XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 29 - sentabr VI-58-121-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 майдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 222-сонли қарорининг ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 майдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 222-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш бўйича таклиф этилаётган ер майдони харита(план)ларини тузиш ва лойихаларини таёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман маҳаллий бюджетининг 2023 йилда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан 20 400,0 (йигирма миллион тўрт юз) минг сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш ва бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

2. Туман ҳокимлиги (Х.Жўраев)га маҳаллий бюджетидан ажратилган

маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик хизмати бўлинмаси (Б.Саттаров)га маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ҳисоб рақамга ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**